



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 1 апрель, № 62 (9233)

Чоршанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚОЗОҒИСТОН БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ермек Кошербаевни қабул қилди.



Сўхбат аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Қозоғистон Республикаси Президенти

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди. Ўзбекистон ва Қозоғистон

ўртасидаги яқин дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш-

нинг долзарб масалалари муҳожама қилинди. Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар ва ишбилар-

мон доиралар даражасида амалга оширилаётган фаол ҳамкорлик муносабатлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Таъкидланганидек, қўшма Ҳукуматлараро комиссия самарали фаолият юритмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, саноат, энергетика, транспорт, экология ва сувдан фойдаланиш соҳаларида кооперация алоқалари изчил кенгаймоқда.

Учрашув чоғида иқтисодий лойиҳаларни мадаллаштириш, нодир металллар соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, сайёҳлик оқими янада кўпайтириш, гуманитар алмашинув дастурларини, шу жумладан, космос ва креатив иқтисодиёт соҳаларида тобора кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар кун тартибини пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди. Халқаро ва минтақавий сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

НАМАНҒАН ВИЛОЯТИДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ «ЎСИШ НУҚТАЛАРИ» ИШГА СОЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 31 март куни Наманган вилоятида ислохотлар натижадорлиги ҳамда келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда сўнгги йилларда Наманганда саноат, хизматлар ва тадбиркорлик соҳаларида катта ўсиш кузатилиб, вилоят кўплаб йўналишларда бошқа ҳудудлар учун намунага айлангани таъкидланди. Хусусан, саккиз йилда 40 мингдан зиёд янги корхоналар иш бошлаган, ишлаб чиқариш ҳажми эса 6 баробар ошиб, 40 триллион сўмга етган.

Қайд этилганидек, 2025 йил якунлари бўйича вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 85,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 8,2 фоизга етган. Саноат маҳсулотлари ҳажми 40,1 триллион сўмни, хизматлар ҳажми 56,3 триллион сўмни ташкил қилган. Вилоятга 3,3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, экспорт ҳажми 916 миллион долларга етган.

Давлатимиз раҳбари жаҳон бозоридagi беқарор вазият шароитида Наманганда иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва янги «ўсиш нуқталари»ни ишга солиш муҳимлигини таъкидлади. Шу муносабат билан 2026 йилда вилоят раҳбарияти олдида иқтисодиётни 9,2 фоизга, саноатни 9 фоизга, хизматларни 16,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6,8 фоизга ошириш, туризм экспортини эса 1,7 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилди. Хорижий инвестициялар ҳажмини 5 миллиард долларга, экспортни 1,2 миллиард долларга олиб чиқиш вазифаси белгиланди.

Йил якунига ишсизликни 3,5 фоизга, камбағалликни 2,5 фоизга тушириш, Наманган шаҳри, Давлатобод, Янги Наманган, Наманган, Косонсой, Норин ва Уйчи туманларини ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда сунъий интеллект асосида ҳудудий салоҳиятни чуқур таҳлил қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Норин тумани мисолида бу йил инвестицияни икки қарра, саноатни 10,4 фоизга ва экспортни 35 фоизга ошириш имкониятлари аниқлангани айtilди. Энди ушбу ёндашувни вилоятнинг барча туманларига татбиқ этиш топширилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бугунги шароитда энг долзарб масалалардан бири экани қайд этилди. Шу боис вилоятда кам самарали 2,5 минг гектар боғлар ўрнида замонавий интенсив боғлар ташкил қилиш ва 8 минг гектар ерни ўзлаштириш вазифаси қўйилди. Бу орқали қўшимча даромад манбалари ва янги иш ўринлари яратилади.

Йиғилишда йirik инвестиция лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, «Наманган» эркин иқтисодий зонасининг «Сабзозор» массивида умумий қиймати 547 миллион долларлик 15 та лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун қўшимча электр подстанцияси қуриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Хозиргача бу ерда 215 миллион долларлик 7 та лойиҳа ишга тушган.

Шунингдек, қиймати 20 миллион доллар бўлган замонавий IT-парк биносини барпо этиш таклифи билдирилди. Ушбу лойиҳа ахборот технологиялари соҳасига халқаро компанияларни жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш, ҳудудда рақамли трансформация, сунъий интеллект, электрон тижорат ва стартап экотизимини жадал ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.



САМАРҚАНД ФОРУМИ — ХАЛҚАРО МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Кеча Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» парламентларо ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Европа парламенти аъзолари, экспертлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти, академик доиралар ҳамда бизнес вакилларини ўзида жам этган мазкур халқаро анжумани ўтказиш ташаббуси давлатимиз раҳбари томонидан 2025 йил 4 апрель куни ташкиллаштирилган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммитида илгари сурилган эди.

Анжуман

Мазкур тадбир минтақа ва Европа мамлакатлари ўртасидаги парламент дипломатиясини тизимли тарзда ривожлантириш ҳамда амалий ҳамкорликни кенгайтиришда самарали мулоқот майдонида айланди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев форум очилишидаги нутқда ушбу формат парламентларо мулоқотни мустаҳкамлаш, ишончни ошириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қиладиган муҳим платформа эканини таъкидлаб ўтди.

Ўтган йилнинг худди шу кунларида Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» саммити ўтказилган эди. Форум айнан ўша саммитда илгари

сурилган ташаббуслардан бири бўлиб, бугунги муносабатлар янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Анжуманда қатнашган Европа парламенти раиси ўринбосари Кристель Шальдемозе Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан ҳамкорлиги кенг қамровли бўлиб, кўп томонлама ҳамжihatлик эркин савдо ва демократия тамойилларига асосланган барқарорлик ҳамда фаровонликни таъминлашга қаратилганини қайд этди.

Шунингдек, Марказий Осиё ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича Европа парламенти делегацияси раҳбари Джузи Принчи парламентларо мулоқотни чуқурлаштириш, барқарор ривожланиш ва қонун устуворлигини таъминлашда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканига урғу берди.



ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУЗОКАРАЛАР

«Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи парламентларо форуми доирасида бир қатор учрашувлар ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Марказий Осиё ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича Европа парламенти делегацияси раҳбари Джузи Принчи ҳамда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Эдуардс Стипрайс билан музокаралар ўтказди.

Учрашув

Учрашув чоғида Д. Принчи Ўзбекистонга мазкур форум ташаббуси ҳамда уни юқори даражада ташкил этгани

учун миннатдорлик билдириб, ушбу платформа Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи парламентлари ўртасидаги мулоқотнинг биринчи институционал шакли сифатида муҳим

аҳамият касб этишини таъкидлади.

Замонавий геосиёсий ўзгаришлар шароитида ташқи алоқаларни диверсификация қилиш зарурлиги ургуланиб, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Европа Иттифоқининг минтақадаги ишончи стратегик шериги сифатида эътироф этилиб, сиёсий мулоқот билан бир қаторда савдо-иқтисодий, туризм, маданий ҳамда таълим соҳаларида ҳам ҳамкорликни кенгайтириш зарурлиги айtilди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар, жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг сугурта саводхонлигини оширишга, «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолияти самарадорлигини кўтаришга, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштиришга доир қатор қонун лойиҳалари муҳожама қилинди.

Жамғарма фаолияти самарадорлиги оширилади

Дастлаб депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтидорли ёшлар ва мутахассисларнинг хориждаги нуфузли таълим, илмий ва бошқа ташкилотларда таълим олишини ташкил этиш ҳамда норма ижодкорлиги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатининг мажбуриятларини аниқ белгилаш, жамғарма томонидан сарфланган мабла-



ларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга давво киритишда давлат божини тўлашдан озод қилишни назарда тутувчи нормани киритиш таклиф этилмоқда. Шунингдек, лойиҳада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибини содда-лаштириш ҳамда мuddатларни қисқартириш назарда тутиляпти.



Маҳаллий Кенгашларда

ДЕПУТАТЛАР НЕГА БЕЗОВТА?

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳудудда юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари ва улар оқибатида ҳалок бўлганлар сонининг ошиб бораётгани таҳликали ҳолат, деб баҳоланди. Айниқса, «М-379» Навоий — Зарафшон — Учқудуқ автомобиль йўлида сўнгги пайтларда шундай ҳодисалар туфайли бир неча фуқаро ҳаётдан кўз юмгани депутатларни бефарқ қолдирмади. Сессияда мазкур масала юзасидан Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ҳисоботи тинланди.

Вилоят Кенгашининг депутаты Шоира Носирова жорий йилнинг 22 февраль ва 7 март кунлари автохалокатлар туфайли тўққиз киши ҳалок бўлгани, бироз ил-

гарирок эса икки марта автобуслар иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилганини эслатиб, бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари борасида

бошқарма бошлигининг фикрини сўради.

— Қарийб 340 километрни ташкил қилувчи мазкур йўл ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган, — деди вилоят ИИБ бошлиғи Азиз Тасбаев. — Эни 7 — 9 метрлик бу йўлнинг, айниқса, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари оралиғидаги қисми бугунги кунда транспорт оқимини кўтара олмаяпти. Мисол учун, 19 март куни ушбу йўлда 27 мингта транспорт воситаси ҳаракати қайд этилган. Аянчли йўл-транспорт ҳодисасида бир оиланинг тўрт нафар аъзоси ҳалок бўлган 7 март

куни ҳам шунга яқинроқ даражадаги қатнов кузатилган.

Қизгин муҳокамадан сўнг депутатлар томонидан мазкур йўлни замон талаби асосида кенгайтириш, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари оралиғида мавжуд темир йўл тармоғи орқали йўловчи ташиш хизмати йўлга қўйиш юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қилиш бўйича таклифлар маъқулланди. Муҳими, депутатларнинг мурожаати беэътибор қолмаска бўлгани...

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Хусусан, бундай ҳужжатлар лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамаси мuddатини 10 кун этиб белгилаш, 5 кун ичида тақлиф келиб тушмаган тақдирда лойиҳани ҳуқуқий экспертизага киритиш имкониятини бериш, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш мuddатини 20 кунга қисқартириш тақлиф қилинмоқда.

Мамлакатимизда сўнги йилларда молиявий хизматлар бозорини, жумладан, сугурта соҳасини жадал ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, аҳоли ва тадбиркорларнинг ушбу хизматларга ишончини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

лоийҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Миллий қонунчилик Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштирилмоқда

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига экспорт тартиб-таомилларини Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига уйғунлаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ташқи савдонинг эркинлаштириш, экспорт тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, Ўзбекистоннинг халқорой иқтисодиётига тўлиқ интеграциясини таъминлаш, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан олиб чиқилган қонунлар ва маҳсулотлар экспортига доир рухсатнома бериш тартибини бекор қилишни назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа билан лицензиялаш ва рухсат бериш бўйича ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларга қўлланиладиган жарималар рўйхатидан экспортга оид чекловлар чиқариб ташланмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ, Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳасида белгилаётган нормалар маҳсулотлар экспортини кенгайтириш, экспортдаги мавжуд чекловларни бартараф этиш, рақобат ва

очиқ бозор муҳитини яратиш, шунингдек, миллий қонунчилигимизни ЖСТ қоидаларига уйғунлаштиришга хизмат қилади. Айтиш жоизки, қуйи палатанинг Қонунчилиги Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштириш бўйича комиссияси ҳам ушбу жараёнда фаол қатнашиб, ишлаб чиқилаётган қонунларга ўз тақлифларини бериб келмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Транспорт вазирининг ахбороти эшитилади

Мажлисида транспорт вазирининг ахбороти эшитилди. И. Маҳаммовнинг “Темир йўл транспорти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўловчи ва юк ташуш хизматларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотини эшитиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда темир йўл транспорти соҳасини жадал ривожлантириш, замонавий инфратузилmani шакллантириш, логистика тизимини такомиллаштириш, юк ва йўловчи ташуш хизматлари самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини ишончли, узлуксиз ва сифатли транспорт хизматлари билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар уйдаланмоқда.

Шу билан бирга, Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларга чиқиб ўрганишлари жараёнида темир йўл транспортида йўловчи ва юк ташуш хизматлари даражасини ошириш, вагонлар сонини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, вокзаллар инфратузилмасини ривожлантириш, сервис ва рақамли хизматлар билан боғлиқ айрим масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисида шундан келиб чиқиб, мазкур масалалар юзасидан транспорт вазирининг ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Фикр

ТАБИАТНИ АСРАШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Жамиятда экологик маданиятни юксалтириш, барқарор ривожланиш таъминлашнинг кенг жорий этиш ва бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини мустаҳкамлаш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Давлатимиз раҳбарининг “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.



Ҳужжатга мувофиқ, 2026-2027 йиллар давомида республиканинг ҳар бир ҳудудидан ўрта бўғин мутахасссларини тайёрлайдиган 14 та “яшил” техникум фаолияти йўлга қўйилиб, 2030 йилга қадар уларда ўн минг нафардан ортиқ малакали кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган. Бу экологик соҳадаги кадрлар эҳтиёжини таъминлашда муҳим омили бўлади, албатта.

Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетидаги бириктирилган “яшил” техникумларда ўқув жараёни ушбу университет томонидан ишлаб чиқариладиган дастурлар асосида ташкил этилиши таълим тизимида узвийликни таъминлаш имконини беради.

Этиборли жиҳатларидан яна бири — иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этилиши билан боғлиқ. Хусусан, “яшил” техникумларда экостипендия таъсис қилиниб, ҳар йили энг фаол ҳамда билимли ўқувчиларга муносиб рағбат берилади. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг таълимга қизиқишини ошириб, уларни янги ютуқлар сари илҳомлантиради. Шу билан бирга, инглиз тилидан “B2” даражага эга бўлган ва юқори кўрсаткичларга эришган битирувчилар бакалавриятнинг иккинчи босқичидан ўқитиш давом эттириши мумкин бўлади.

Дарвоқе, қарор доирасида экологик маданиятни оммалаштиришга қаратилган қатор ташаббуслар ҳам назарда тутилган. Олий таълим муассасаларида “яшил кампус” лойиҳалари амалга оширилиши, 2026 йил 1 майдан “10 минг қадам пиёда” ташаббуси қайта тикланиши ва “Соғлом турмуш тарзи” платформаси ишга туширилиши шулар жумласидандир. Қолаверса, ёшларнинг экологик фаоллигини рағбатлантириш мақсадида “Еш эколог” кўрак

нишони таъсис этилиши ёшларни илмга, инновацияга ҳамда ташаббускорликка ундайди, уларда атроф-муҳитга нисбатан дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиради. Шунингдек, 2026 — 2028 йилларда экологик таълимнинг соҳасида илмий даражага эга мутахассслар сонини 150 нафарга етказиш вазифаси белгилангани илмий салоҳиятини оширишга қаратилган муҳим қадамдир. Бойси ушбу ташаббус келгусида экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга илмий асосланган ечимлар ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтиради. Бу эса нафақат миллий, балки минтақавий ҳамда глобал миқёсда ҳам долзарб аҳамият касб этади.


Экологик таълим, илм-фан ва кенг кўламли тарғибот тадбирларини тизимли равишда ташкил қилиш ҳамда ривожлантиришга қаратилган ушбу қарор ўзидан комплекс ва узвий ёндашуви намойён этади. У орқали таълимнинг барча босқичи — мактабдан тартиб техникум ва олий таълимгача бўлган жараёнлар ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантирилиб, ягона самарали тизимга айлантирилмоқда. Бу нафақат малакали кадрлар тайёрлаш, балки уларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, балки меҳнат бозори талабларига мослаштириш имконини ҳам яратяди.

Биз, депутатлар эса халқ вакиллари сифатида ушбу муҳим қарор ижросига қўмаклашиш ва парламент назоратини олиб беришдан манфаатдоримиз. Зеро, мазкур ҳужжат ижроси жамиятда экологик маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳамда табиатга эҳтиёткор муносабатни мустаҳкамлаш, энг муҳими, келажак авлод учун соф ва мусоффо атроф-муҳитни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Гулнора ТОЖИБОЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Шухрат ЯКУБОВ, Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан тузилган шартнома шартларини бажармаган стипендиатларга Давлат бюджетидан сарфланган маблағларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво киритишда жамғарманга давлат божини тўлашдан озод этишга хизмат қилади. Бу орқали стипендиатларнинг масъулияти ортиб, низоли вазиятлар камади, шартнома шартларининг бажарилишида эса ижобий кўрсаткичларга эришилади. Асосийси, жамғарманнинг молиявий кўмаги юзасидан дунёнинг энг нуфузи “ТОП — 300” университетларида ўқиб келган кадрларнинг юртимиз тараққиётига ҳиссаси ортади.



Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Истеъмолчилар ишончли ахборот билан таъминланади

Мажлисида “Реформа тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тадбиркорлар ва аҳолининг сугурта бозорига бўлган ишончини оширишга ҳамда сугурта хизматларини кенг оммалаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Ушбу қонун лойиҳасининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у сугурта бозори профессионал иштирокчилари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида истеъмолчиларни кенг қамровли ва ишончли ахборот билан таъминлаш орқали уларнинг бу хизматлардан фойдаланишида қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолида эса сугурта хизматларига ишончини орттиришни назарда тутяди.

Муҳокама давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар барча саволларга тушунтириш бериб ўтди. Баҳс-мунозаралардан сўнг қонун



ТАРИХДАН САБОҚ ОЛИНГАН ЖОЙДА, АЛБАТТА, БИЛИМ ВА МАЪРИФАТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА АДОЛАТ БЎЛАДИ

Конструктив мулоқот майдони

Тан олиш керак, ҳақонда геосийсий беқарорлик ва иқтисодий муаммолар юз бераётган паллада Ўзбекистоннинг маданий ва стратегик таъсирини кучайтириш орқали муҳим қадам ташлади. Янги барпо этилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази мамлакатимизнинг бой тарихий мероси ва бутун Евроосийё бўйлаб исломий интеллектуал ва маданий аъёнларини шакллантиришдаги ролини намойиш қилаётган муҳим лойиҳага айланмоқда. Шунингдек, технология ўзгаришлар ва глобал кескинликлар даврида ушбу марказ, бир томондан, муслмон дунёсида конструктив мулоқот майдони бўлиб, Марказий Осиёнинг бағрикенг ислом моделини илгари суриш учун кенг имконият яратяди. Иккинчидан, ислом цивилизацияси меросининг тарғиботи Ўзбекистоннинг Евроосийё марказини Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё билан боғлайдиган маданий ва дипломатик кўприк сифатидаги ролини мустаҳкамлайди, кўп минтақавий алоқаларга ҳисса қўшади.



тилга олинади. Бу диёрнинг илм-маърифат тарихидаги тамал тоши, шубҳасиз, мустаҳкам. Эътиборлиси, давлат қурилишида Ўзбекистон улугвор меросига, бой маънавий манбага, чуқур мазмунли асосга таянмоқда, бу давлатимизнинг асрлар давомида чўққиди бўлишига мустаҳкам қадроландир.

Бугун мамлакатимизда ислом динининг академик даражада ўрганилиши ва ўқув марказлари яратилишига, унинг нафақат Марказий Осиё, балки бутун ислом дунёсининг маънавий маркази сифатида юксалиши йўлида беқиёс амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаёттир. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг Учинчи Ренессанси асосини яратиш мақсадида Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси марказини барпо этиши дин, илм ва замонавийлик уйғунлиги ҳамда ривожини ифодалайди.

Марказ ўзининг маҳобати, майдони ва қамровига кўра, дунёда ислом дини тарихи, маданияти ва тамаддунини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йirik мажмуалардан биридир. Эътиборлиси, марказ биноси Президентимизнинг меъморий гоё ва тақлифлари асосида лойиҳалаштирилган. Қурилиш жараёнида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага бир неча бар таъриф буюриб, унинг мазмун ва шаклан янада мукаммал бўлиши юзасидан қўмнатли тавсия ва маслаҳатларини улашди. Хусусан, 2025 йилнинг ўзида Юртбошимиз марказга бир неча марта келиб, экспозициялар, инфратузилма, маърифат ва илмий йўналишларни такомиллаштириш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

Марказ қадимий ва миллий меъморчилик аъёнлари асосида қурилган бўлиб, унга тўрт томондан — тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг ташқи равоқлари илм-маърифат, баргикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидаги Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар билан безатилган.

Мажмуадан қарийб 8 350 квадрат метрлик кўрғазма залига эга музей ўрин олган. Бу ерда қўллаб-қอดир Қуръон қўлёзмалари қаторида Усмон Мусхифи сақланмоқда.

Музейда энг замонавий технологиялар кенг қўлланилган. Виртуал ва кенгайтирилган реаллик, сунъий интеллект ҳамда голограмма ёрдамида қадимий қўлёзмалар



Фитрат каби миллат фойдиларининг фотопортретлари ўрин олган. Аммо бу шунчаки кўрғазма эмас. Ҳар бир жадид сиймоси ёндағи жавонбарда улар томонидан ёзилган нодир адабиётлар, уларнинг фаолиятига оид ноёб тадқиқотлар ва ўз даврининг иқтисодий-сийсий манзарасини акс эттирувчи манбалар сақланмоқда. Бу бўлиб келажак авлод учун ҳақиқий “тафаккур мактаби” бўлиб хизмат қилади.

Марказнинг кутубхона фондидини бойитиш ишлари давлат даражасидаги стратегик вазифа сифатида амалга оширилмоқда. Марказ жамоаси буюк алломаларимизнинг дунё бўйлаб сочилиб кетган илмий меросини қайтариш устида тинимсиз ишламоқда. Бугунги кунда кутубхона фонди қўллаб-қодир хисобига мунтазам кенгаймоқда. Хусусан, дунёнинг энг йirik китоб ва санъат аукционларида сотувга қўйилган қўлёзмалар ва тошбосма асарлар харид қилинмоқда. Европа, Осиё ва араб давлатларидаги кутубхона ва архивлар билан ўрнатилган ҳамкорлик босим алломаларимиз асарларининг нусхалари ва илк нашрлари олиб келинмоқда. Қўллаб-қодирликлар ва жадидларнинг авлодлари ўзлариде сақланган қонун нодир манбаларни марказга тақдим этмоқда. Оддий фуқаролар томонидан асрлар давомида оилавий мерос сифатида сақлаб келинган қўлёзмаларнинг мажмуага топширилиши миллий меросга юксак эҳтиром намунаси.

Кутубхонада нафақат жадидлар, балки Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Имом Бухорий каби буюк мутафаккирлар ташкил этган илмий мактаблар бўйича ҳам алоҳида бўлимлар мавжуд. Бу ерда уларнинг асарларига эзилган шарҳлар ва замона-

вий илмий тадқиқотларнинг тўпланиши Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳамда бугунги кун ўртасидаги маънавий кўприкни мустаҳкамлайди.

Марказ кутубхонаси шунчаки китоб сақлаш жойи эмас, балки миллатнинг “генетик коди”ни асровчи хазинадир. Жадид боболаримиз айтганидек: “Наҳот — таълимда, наҳот — тарбияда, наҳот — билимда”. Бугун бу ерда тўпланаётган ҳар бир нодир қўлёзма ва китоб Ўзбекистоннинг ёруғ келажиги учун хизмат қилаётган илм бўлуғидир. Маърифатпарвар аждодларимизнинг меросини ўрганиш ва уни халққа етказиш — бизнинг нафақат қарзимиз, балки Янги Ўзбекистоннинг буюк келажигига қўйган энг катта сармоямиздир.

Маърифат кошонаси

Мамлакатимизда фуқаролар диний эркинлигини таъминлаш, баргикенглик, ислом маърифий гоёсини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати, юрти-

мизда янги масжидлар, улуғ аждодларимиз билан аталётган мажмуалар барпо этилмоқда, диний таълим муассасалари очилляпти. Соҳада халқорой ҳамкорлик тобора ривожланиб, чет эллик таниқли уламолар тез-тез диёримизга ташриф буюрмоқда, нуфузли халқорой ташкилотлар билан алоқалар мустаҳкамланяпти. Буларнинг барчаси юртдошларимизга чексиз кувонч ва ўзгача гурур бағишлаяпти.

Ислам дини — айрим исломқофлар зўр бериб айтаётганидек, жаҳолат тарқатадиган дин эмас, аксинча, ўз моҳиятига кўра, ҳақиқат, тавҳид, эзгулик, адолат, хайрхоҳлик ва баргикенглик дини. Чин маънода унинг дунёда ёйилиши инсониятга адолат, хавфсизлик ва осойишталикни инъом қилиб, уни жаҳолат, адолатсизлик, тартибсизлик ва урушлар зулматидан сақлайди. Ислам дини тинчлик, инъом ва инъом этилган Президентимиз кўплаб халқорой минбарларда ўз фикрини билдирган. Ушбу фикрдан келиб чиқиб, БМТ Хавфсизлик Кенгаши “Маърифат ва диний баргикенглик” резолюциясини қабул қилди. Мазкур ҳужжатда терроризм, зуравонлик, экстремизм ҳеч бир дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмаслиги ва у билан боғлиқ ҳолда талқин этилмаслиги лозимлиги белгилаб қўйилди.

Бугун дунёда тинчлигини ва хотиржамлигини йўқотган мамлакатлар ва у юртларда истиқомат қилаётган одамлар энг катта бойлиқни, таъбир жоиз бўлса, ҳаётида нурни йўқотган, эҳимсон ичида қолганларга ўхшайди. Бу воқеликларни қўриб, эшитиб турган инсонлар ҳулосалар чиқариб, ўзлари учун инъом этилган тинчлик ва хотиржамликни қадрлаши, асраб-авайлашлари лозим. Шу боис биз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамликни сақлаш, уни турли қаразли хуруж ва ҳамлалардан, фитна ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, гаразли ва манфур кимсаларнинг макр ва пучу гоғарлига учмасдан, алданмасдан, ёш авлод ҳам улардан ҳабардор этиб, ислом маданиятининг эзгу гоғарларини кенг тарғиб қилишни долзарб вазифа сифатида билмоғимиз зарур.

Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, тарих тилга кирган, тарихдан сабоқ олинган жойда, албатта, билим ва маърифат, тараққиёт ва адолат бўлади. Ҳеч қачон тўғри йўлдан адашилмайди!

Гоғуржон МУҲАМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

